ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАОРИФ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА МИЛЛИЙ АСОСИ

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси укитувчи.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАОРИФ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА МИЛЛИЙ АСОСИ

Р Е Ж А

1. Узбекистонда дастлабки урта таълим мактабларининг ташкил этилиши ва ривожланиши.
2. Бошлангич ва урта мактабда укитиш мазмунининг такомиллашиб бориши.
3. Янги усу мактабларининг вужудга келиши.
4. Мактаб учун укитувчи кадрлар тайёрлаш тартиби, умумий мактаб тавсилининг истикболи.

1. Узбекистонда дастлабки урта таълим мактабларининг ташкил этилиши ва унинг ривожланиши

Халк таълими тизимида (жумладан) мухим уринни эгаллаган умумий таълим мактаблари республикамиз хаёти билан чамбарчас богланган булиб, давлатнинг мафкуравий, маданий вазифаларига хизмат килади. Шунинг учун хам республикамиз хукукмати, халк таълими вазирлиги жойлардаги хокимиятлар ва жамоатчилик халк таълими тизимини жумладан, умумий таълим мактабларини ривожлантириш, уларнинг тармокларини кенгайтириш ва янги бинолар билан таъминлаш, укук моддий ва техника базасини мустахкамлаш хамда уларни юкори билимга эга булган укитувчилар билан таъминлаш борасида бир катор тадбирларни амалга ошириб келмокдалар. Чунончи 1966 йилда собик СССР томонидан кабул килинган "Умумий таълим мактагбларини" янада ривожлантириш чоралари тугрисида, 1972 йил 20 иблдаги "Ёшларни умумий урта таълимга утказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тугрисида", шунингдек, "Кишлок умумий таълим мактабининг иш шароитини янада яхшилаш тадбирлари тугрисида", "Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тугрисида"ги 1972-1977 йиллар мобайнида кабул килинган тарихий карорлари асосида республикамизда салмокли ишлар амалга оширилди. Ёшларни умумий урта таълимга утказиш 1975 йилга келиб тугалланди.

Мазкур карорларга асосан республикамизда мехнат таълими ва тарбияси, айникса, ижтимоий фойдалаи мехнатни хамда укувчи-ёшларни касбга йуналтириш ишининг сифат ва самарадорлигини оширишга каратилган тадбирлар ишлаб чикилди, ва у амалга оширилди.

Мактаб уз табиатига кура иктисодий ва ижтимоий тараккиётини таъминловчи, уни сакловчи инсоният томонидан тупланган умум-инсоний маънавий бойликларни авлоддан-авлодга етказиб бервувчи ва бойитувчи мухим тармок хисобланади.

Таълим тарбия самарадорлигини иширишда ахлокий, бадиий ва эстетик тарбия беришга алохида ахамият берилади. Укувчиларда ёшлик

чогиданок жамоатчилик, узига ва бир-бирига талабчанлик, халлолик ва хакгуйлик, сахийлик каби хусусиятларни шакллантириш хар бир укитувчининг кундалик вазифасига айланмоги зарур.

Жамиятнинг тубдан кайта курилиши маорифнинг барча бугинларини мазмунан кайта тузилишини талаб этади.

Жумладан, мактабда таълим тарбия бериш хисобланган укувчилар уз-узини бошкариш ташкилотлари фаолиятидаги расчиатчиликка совукконликка бархам бериш, унинг иш мазмуни ва шаклларини тубдан узгарутириш, укувчиларнинг кундалик талаб ва эхтиёжларини кондиришга хизмат киладиган укувчиларнинг ихтиёрий жинслашган бирлашмаларига айлантириш кузда тутилади.

Халк маорифини бошкариш, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга тугри рахбарлик килиш, мактаб учун гамхурликни умум халк ишига айлантириш мактабда укув тарбиявий ишларни самарадорлигини таъминлашнинг мухим шартларидир.

2. Бошлангич ва урта мактабда укитиш мазмунининг иллашиб бориши.

Урушлар даврида мактабларда тармоги бирмунча кискарган укувчилар сони хам шунга яраша камайган эди.

Уша йиллари янги мактаб бинолари курилмаганлиги ва эски мактабларни уз вактида бирдай ремонт килинмаганлиги сабабли куп мактаб бинолари укув жараёнини маромида ташкил этиш ва гигиена талабларига жавоб бермас эди.

Урушдан кейинги йилларда 1943 йилда очилган ишчи ва дехкон ёшлари мактаблари тармоги янада кенгайди. Урушдан кейинги тинч курилиш даври мактаблардаги таълим мазмуни ва укитиш усулларини тубдан узгартирди.

1954-1955 йилда бошлангич ва урта мактаблар учун янги укув мактаблар дастурлари жорий этилди. Ва бу дастурга асосан I-IV синфларда мехнат дарслари киритилди. V-VII синфларда устахонларда, ва укув-тажриба майдонларида амалий машгулот, VIII-X синфлдарда машинасозлик, электроника ва кишлок хужалигига доир практикумлар утказиладиган булди.

Мана шундай катор маъсулиятли вазифаларни амалга оширишда педагог ходимларнинг танкилиги тобора сезила борди. Чунки барчага маълумки, укитувчиларнинг асосий кисми фронтга жалб этилганлиги кишлок хужалигининг мухим тармокларига тортилганлиги сабабли мамлакатда укитувчилар сони анча камайиб колган эди.

Укитувчилар давр талабидан келиб чикиб, замонавий ижодкорлик билан ишлай бошладилар. Укитувчилар таълим мазмунини ошириш билан бирга, тарбия бирлиги принципини таъминладилар. 1974 йилдан бошлаб бошлангич мактабда турт йиллик бошлангич таълимдан уч йиллик бошлангич таълимга утишни амалга оширди лекин бу тадбир укувчилар олаёган билимга салбий таъсир этгани йук. Туккиз етти йиллик мактаб

ташкиллаб, умумий мажбурий саккиз йиллик таълим мактабига айлантирилди. Саккиз йиллик мактабни тамомлагач укувчилар.

1. тулик умумий таълим мактабларида (IX-X) синфларда.

2. укиш муддати 4-3 йиллик булган техникумларда укиши мумкин эди. умуман олганда халк таълим сохасида жумладан бошлангич ва урта мактаб таълим курилишида жуда куп ислохатлар утказди.

3. Янги усул мактабларининг вужудга келиши.

Янги усул мактабларини вужудга келиши Хамза Хакимзода Ниёзий узининг куп хиссасини кушган.

Узбек халкининг тунгич педагоги, шоир, драматург, композитор Х.Х.Ниёзий 1889 йил 16 иблда Кукон шахрида табиб оиласида тугилди. Хамза узининг укишга булган зур иштиёки туфайли 12 ёшидаёк тула хат-саводли булиб етишди. 1906 йилда мадрасага кириб укий бошлади. Бирок, мадраса таълими Хамзани каноатлантирмади. Шунга кура у мустакил суратда Лутфий, Алишер Навоий, Гулханий Мукимий, Фуркат асарлари укиб урганди.

Хамза турмушга куп кийинсиликларга дуч келади, илм-фанга хаваси зур булсада, кунгилдагидек укий олмайди.

Хамза 1911 йили Куконнинг Хожибек гузарида мактаб очиб, етим ва камбагал болаларни укитади, укувчилар учун "Енгил адабиёт", "Укиш китоби" укув кулланмаларини яратади.

Х.Х.Ниёзий 20 йиллик укитувчилик фаолияти давомида ёшлар тарбияси масалаласида амалий ва назарий жихатдан мухим гоялларни олга сурди.

Хамза ташкил этган мактаб чинакам халк мактабларининг дастлабки намунаси эди. Хамза бу мактабда дунёвий фанларни укитади, аклий-ахлокий тарбияга алохида ахамият беради.

Хамза республикасиз педагогик ривожига салмокли хисса кушган мохир педагогик шоирдир. XX аср бошларида янги рус-тузем мактаблари хам улкада саводсизликни тугатишда, иктисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларни бир мунча хал этишда мухим ахамият касб этди.

XIX аср охири XX аср бош улкада кенг таркалган "Янги усул" мактаблари хам узига хос тарихга эга. Бу мактабнинг хусусиятларидан бири шундай иборатки, бой ва камбагал болалар биргаликда укишлари мумкин.

4. Мактаб учун укитувчи кадрлар тайёрлаш тартиби, умумий мактаб тавсилининг истикболи

Узбекистон ижтимоий хаётида жумладан, халк таълими тизимида сунгги ун йилликларда катта узгаришлар юз берди. Республикада мактабгача тарбия муассалари ва мактаблар тармоги ривожланди, укитувчилар хамда илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш жараёни такомитллашди.

Аммо куп йиллар давомида собик Совет Республикаларида ва улкаларида ягона педагогик тизим хукмронлик килиб, таълим жараёни Марказда юбоирилган дарслик ва тавсиялар, укув режалар, дастурлар асосида ташкил этилди.

Она0тили, ватан тарихи, географияси миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда келиб, болалар ота-боболар утмишидан бехабар укитилди.

Республикамизнинг истиклолга эришуви натижасида узбек педагогикаси тарихида узок давр такикланган, эътибордан четда колган маданий меросга кизикиш кучайди. Улардаги тарбия жараёнига татбик этила бошланди. Янги мазмунли дарсликлар, услубий кулланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, улка материалларидан кенг фойдаланилмокда. Зур кечмишга бокиб келгуси кунни режалаштириш иборатлидир, утган кун тажрибаси ишончли манбадир.

Малакали педагогик кадрлар тайёрлашда хам катта муваффакиятларга эришилди. XX асрнинг 80-йилларига келиб республика умумий таълим мактабларида карийб 237 мингдан ортик укитувчи ёшларга таълим ва тарбия бериш билан шугулландилар., булардан 77,5% и олий маълумотга эгадир. 1981-1982 укув йили бошида эса 18 мингдан ортик ёш мутахассис маорифчилар сафига келиб кушилди.

1981 йилда янгидан 5 та Кашшофлар уйи ва саройи, 12 та ёш табиатшунослар ва туристлар станцияси очилди, мактабдан ташкари муассасаларга тортилган болалар сони 440 мингдан ошди.

Мактабларда, мактабгача ва мактабдан ташкари муассасалардан педагогика укув юртларига таълим-тарбия жараёни яхшиланди. 1980-1981 йилининг укув якунларига кура, укувчиларнинг узлаштириши 99,95% ташкил этди.

Хукумат олий ва урта махсус укув юртлари фаолиятини такомиллаштиришга доимо эътибор бериб келди. Чунончи, педагогика укув юртларнинг моддий-техника базасининг яхшиланганлиги туфайли 23 ихтисос буйича укитувчилар тайёрлаш ишлари кучайтириб юборилди. Таълимнинг мазмунига аникликлар киритилди. Укув дастурлари кайтадан тузилди, укувчиларни ортикча маълумотлар билан банд этишдан, зуриктиришдан холос этилди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАР

1. Узбекистон Республикаси ва халк таълими вазирлиги "Умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш борасида кандай чорларни курмокда?
2. Бошлангич ва урта мактабда укитишнинг мазмуни
3. Янги усул мактабларини вужудга келишида узбек педагогларнинг роли?
4. "Янги усул" мактабларининг оддий мактабдан кандай ажралиб туради?
5. истиклолдан сунг халк таълими тизимида кандай узгаришлар берди?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Узбекистонда маориф тараккиётининг ижтимоий ва маллий асослари бошлангич ва урта мактабда таълим тарбияни мазмуни, уруш ва урушдан кейинги даврлардаги мактабдаги ижтимоий илмий ахвол.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Педагогика тарихи. К.Хошимов ва бошкалар. Т.1996 й.
2. С.Ражабов Халк маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари. Укитувчи , Т. 1990 й.
3. Ражабов С.Р. "Тарбия ва укитиш хакида классик таъминот." Фан Т.1971 й.